Ушбу сонда:

ТВ ДАСТУРЛАР 5-6

Ҳалол курашсангиз, марра сизники! 7



Зафарбек ҚУРБОНБОЕВ: "Концерт — хонанда учун имтиҳон" 8


ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz xabar@uzpak.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2005-yil, 29-aprel, 17 (658)-son Sotuvda narxi erkin


## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ **Матбуотда "Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилинди.**

♦ *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш йўлида" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ва Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга оид масалалар муҳокама этилди.*

♦ **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган "Суд тизими самарадорлиги ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш" мавзуида конференция бўлиб ўтди.**

♦ *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университетида Фанлар академияси Тарих институти билан ҳамкорликда академик Яҳё Ғуломов номидаги "Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи" республика илмий семинарининг "Ўзбекистонда диний конфессиялар: тарихий анъаналар ва бағрикенглик" мавзуидаги 35-йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир доирасида тарихчи ва диншунос олимларнинг янги илмий асарлари кўргазмаси ташкил этилди.*

♦ **Пойтахтимизда Украинанинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва "ЭКОСАН" халқаро жамғармаси ҳамкорлигида "Чернобил сабоқлари ва минтақавий радиацион хавфсизлик муаммолари" мавзуида халқаро анжуман ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар Чернобил фожиаси оқибатларини таъкидлаб ўтишди. Бу хатоларни такрорламаслик, радиацион хавфли ҳудудларнинг таъсирини камайтириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр билдирдилар.**

DOLZARB MAVZU

# Масъулиятсизлик оқибатида

### айрим ўқув масканларидаги замонавий компютер хоналари "кўргазма зали" ҳолида қолиб келмоқда

***Вазирлар Маҳкамасининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида кўзда тутилган асосий вазифалардан бири аҳолининг компютер саводхонлигини ошириш ҳисобланади. Ушбу масалани ҳал этиш учун мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида компютер ва ахборот технологиялари билан ишлашга ўргатиш кенг кўламда йўлга қўйилмоқда. Бунинг учун, аввало, билим даргоҳлари замонавий техникаларга эга махсус хоналар билан таъминланяпти. Қисқаси, ушбу йўналишга миллионлаб сўмлик сармоя сарфланмоқда.***



Давоми 2-бетда.

## АКЦИЯДОРЛАР ЙИҒИЛИШИ

***Тошкентдаги "DEDEMAN Silk Road" меҳмонхонасида "Ўзбектелеком" АК акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, "Ўзбектелеком" АК Кузатув Кенгаши раиси А.АРИПОВ бошқарди.***

**Республикамизда** Ҳукуматимиз томонидан ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида инфляция даражаси камайишига ва макроиқтисодий барқарорликка эришилмоқда. Шу билан бирга ҳозирда Ўзбекистон Марказий банки томонидан белгиланган йиллик қайта молиялаштириш миқдори 16 фоизни ташкил этяпти ва йилдан-йилга унинг камайиши кузатилмоқда. Шунингдек, акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акцияларнинг давлат улушидан самарали фойдаланилиши бўйича мониторинг комиссиясининг 2004 йил, 16 декабрдаги 5-баённомаси қарорида имтиёзли акциялар учун тўланадиган дивидендлар миқдорини 25 фоизга тушириш ва зарур ҳолларда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш кўрсатиб ўтилганди.

Мазкур омиллар "Ўзбектелеком" АКнинг ҳам очиқ акциядорлик жамияти сифатида ўз Уставига Ўзбекистон макроиқтисодий жараёнлари талабларига жавоб берадиган қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни тақозо этаётган эди. Шу боис ҳам компания акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида "Ўзбектелеком" АК Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Акциядорлар бу борадаги таклифни бир овоздан тасдиқлашди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***Ўз мухбиримиз***

HAMKORLIK UFQLARI

# Ҳудудий маркетинг дастури

***Ўзбекистонда дастурий маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг катта қисми хориж маҳсулотлари эвазига қопланади. Microsoft, IBM, Oracle, Software сингари дунёнинг машҳур компанияларида ишлаб чиқарилган турли амалиёт тизимлари, график пакетлар, илмий-техник моделлаштириш ва ҳисоб-китоблар учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини юртимизга келтиришда Softline (Россия) компаниясининг ҳиссаси катта бўлмоқда.***

**2005 йилдан** эътиборан Softline ва Microsoft компаниялари ҳамкорликда Марказий Осиё давлатлари бўйлаб Ҳудудий маркетинг дастури лойиҳаси (Road Show)ни амалга оширишга киришди. Шу ҳафта Тошкентдаги Shodlik-Palace меҳмонхонасида замонавий корхоналарда Microsoft маҳсулотлари воситасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинар ана шу лойиҳадан ўрин олган тадбирлар сирасига киради. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш маркази ушбу тадбир ташкилотчилари бўлди.

Семинарни Softlineнинг Ўзбекистондаги ҳудудий бўлими — Softline International компанияси директори Исмат Насимов кириш сўзи билан очиб, ўз компанияси ва кўрсатилаётган хизматлар ҳақида маълумот берди. Компаниянинг бизнесни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон ва Туркманистондаги ҳудудий менежери Аҳадбек Долимов қатнашчиларни Microsoft маҳсулотларини харид қилишда эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлар ва лицензиялаштириш режалари билан таништирди. Компютер тизимлари бўйича муҳандис Темур Мўминов Windows Serwer 2003нинг техник хусусиятлари ва хавфсизлик тизимлари ҳақида батафсил маълумотлар берди. Тадбирда Microsoft компаниясининг муҳофазаланган ахборот тизимларини қуриш борасидаги стратегияси, Microsoft маҳсулотларидан фойдаланиш эвазига корхоналарда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, аутентификация (объектнинг эълон қилинган бир хиллигини, шунингдек субъект тақдим этган идентификатор унга тегишлилигини текшириш) хизмати, кириш (тармоқ)-ни назорат қилиш тизими, шифрлаш ҳамда Интернет тармоғига ҳимояланган ҳолда уланиш усуллари таништириб ўтилди.

Умуман олганда, Microsoft ва Softline компаниялари жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистоннинг йирик шаҳарларида жами еттита семинар ўтказишни мўлжаллашган.

Дастлабки интерактив семинар шу йилнинг 4 апрелида Тошкентда "Ахборот технологиялари инфратузилмасида хавфсизликни таъминлаш соҳасида Microsoft ечимлари" мавзусида бўлиб ўтган ва ахборот технологиялари ҳамда телекоммуникация компаниялари, банклар, давлат муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг семинарда иштирок этган юздан зиёд ходимида катта қизиқиш уйғотган эди.

Softline International компанияси янада самарали иш олиб бориш мақсадида 5000 ададли Softline-direct каталогини чоп этмоқда, ўз мижозларига маслаҳат-ёрдамлар, техник кўмак бериб келмоқда.

Кейинги семинарни Тошкентда жорий йилнинг 25 май куни ўтказиш режалаштирилган.

***Собит АҲАДОВ, "Xabar" мухбири***


uzpak Бизнинг Интернет ҳамкоримиз

DOLZARB MAVZU

# Масъулиятсизлик оқибатида

## айрим ўқув масканларидаги замонавий компютер хоналари "кўргазма зали" ҳолида қолиб келмоқда

(*Давоми. Бошланиши 1-бетда.*)

Яхши парваришланган дарахт эртами-кеч ўз мевасини беради. Ёшларга яратилаётган имкониятлар уларнинг камол топишида, Ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишишида хизмат қилиши аниқ. Қуйида мамлакатимиздаги уммумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг бугунги аҳволи, ютуқ ва муаммолари ҳақида фикр юритамиз.

### Таълим тизимида АКТнинг аҳволи

Мамлакатимизда 9,7 мингта умумтаълим мактаби мавжуд. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига биноан уларда таълим сифатини ошириш, зарур ўқув қўлланмалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шулар қаторида компютерлаштириш масаласи ҳам асосий ўринда турибди.

Келинг, рақамларга мурожаат қилайлик. 2003 йилнинг 1 майидаги маълумотга кўра, мактабларимизда битта компютерга 477 нафар ўқувчи тўғри келган бўлса, 2004 йилнинг 1 июлида бу кўрсаткич 434 нафарни ташкил этган. 2003 йилда умумтаълим мактабларида 1263 компютер синфи қайд этилган бўлса, 2004 йили уларнинг сони 1431тага (ўсиш 13,3 фоиз) етган.

Замонавий технологияларни жалб қилиш мақсадида 2004 йили умумтаълим мактабларини маҳаллий бюджет ҳисобига компютер техникаси билан таъминлаш учун 2,5 млрд. сўм миқдоридаги тендер савдолари ўтказилди. Шу билан биргаликда USAID лойиҳаси доирасида мактабларимизни компютерлаштириш ва Интернетга улаш ишлари давом этмоқда. Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларини имтиёзли кредит асосида 2000 дона компютер билан таъминлаш мақсадида Хитойнинг CNTIC IBC компанияси билан музокаралар олиб боряпти.

Бироқ барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Бугунги кунда йўлдошли технологиялар мамлакатимизнинг фақатгина учта мактаби дарсларида қўлланилмоқда. 2004 йилда 9727та умумтаълим мактабидан атиги 148таси (1,5 фоиз) Интернетга уланиш имконига эга бўлган. Бу каби паст кўрсаткичнинг асосий сабабларидан бири Интернетдан фойдаланувчилар орасида ўқитувчиларнинг озчиликни ташкил этишидир.

Бундай ҳолатни яхшилаш мақсадида АҚШ Давлат департаменти томонидан молиялаштирилган "Ўзбекистон мактаблари учун Интернет тармоғи" лойиҳасига кўра, 2005 йилнинг охирига қадар Андижон, Қарши, Наманган, Нукус, Термиз ва Фарғона шаҳарларидаги 60та мактабнинг Интернетга уланиши кўзда тутилган. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги БМТ Тараққиёт Дастури ва "Шарқ Телеком" компанияси билан биргаликда "Қишлоқ мактабларида компютерлаштириш ва ягона ўқув ахборот маконини ривожлантириш" лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Лойиҳага кўра Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги 40та қишлоқ мактабини Интернетга улаш режалаштириляпти.

Республикамизда 61та олий ўқув юрти (ОЎЮ) бор. Уларнинг барчаси Интернетга уланган. ОЎЮларида 15,8 минг дона компютер мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич 2003 йилгига нисбатан 13 фоизга ортиқдир. Улардаги битта компютерга 16 нафар талаба тўғри келади. Мамлакатимизда Интернетдан доимий фойдаланувчиларнинг 3,8 фоизини талабалар ташкил қилади.

Бу рақамлар олий ўқув юртларида АКТнинг жорий этилиши умумтаълим мактабларига қараганда анча юқори эканлигини кўрсатиб турибди.

### Таълим сифатини оширишда АКТдан фойдаланиш

Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ёшларнинг фанни чуқурроқ эгаллашига хизмат қилади. Биргина мисол, ўқитувчи дарс жараёнида мултимедиа орқали суратлар, жадваллар ва шунга ўхшаш мавзуга оид қўшимча маълумотларни кўрсатиб ўтса, бу ўқувчиларнинг нафақат дарсга бўлган қизиқишини оширади, балки мавзуни тўлақонли тасаввур этиши, уни чуқур ўрганишига ҳам ёрдам беради.

Кейинги вақтларда таълим масканларини замонавий ўқув қуроллари билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, умумтаълим мактабларидаги электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалари 54тага (умумий соннинг 10,7 фоизи), ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларида — 31 (0,01 фоиз), ОЎЮларида — 436тага (25,8 фоиз) етган.

Таълим даргоҳларида Web-сайтлар сони 2004 йилда 139тани ташкил этган. Бу 2003 йилги кўрсаткичдан 40 фоизга юқоридир. Агар гуруҳларга бўлиб чиқадиган бўлсак:

- умумтаълим мактаблари — 60та ёки мактаблар умумий сонининг 0,6 фоизи;
- академик лицейлар — 2та ёки улар умумий сонининг 3,6 фоизи;
- олий ўқув юртларида — 47та ёки 77 фоизни ташкил этади.

Масофавий ўқитиш тизими ҳам тараққий этмоқда. Унинг хизматидан ҳозирча асосан ОЎЮларида фойдаланиляпти. Бугунги кунда барча олий ўқув юртларида Масофавий ўқитиш бўйича АКТ марказлари тузилган. Бундан ташқари, тўққизта ОЎЮ тасарруфида замонавий видеоконференцалоқа ускуналари, 23тасида эса "Лектор" аппарат-дастурлари мажмуаси бор.

Келгусида мактабларда ҳам масофавий ўқитишни жорий этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. "Таълим тизими тараққиёти" Дастури бўйича масофавий ўқитиш орқали мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш режалаштирилмоқда. Лойиҳа доирасида 85та масофавий ўқитиш маркази ташкил этилади. Шунингдек, ўқувчилар билимини компютер орқали тест синовларидан ўтказишни йўлга қўяётган мактаблар сони ҳам кўпаймоқда. 2004 йили бундай мактаблар 104тага (2002 йилда 41та) етган. Бироқ компютер орқали тест синовларини ўтказиш бўйича мактаблардаги кўрсаткич лицей ва касб-ҳунар коллежлари олдида жуда паст даражада қолмоқда.

### АКТ йўналишида кадрлар тайёрлаш масаласи

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлашни тақозо этади. АКТ мутахассислиги бўйича битирувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2004 йили касб-ҳунар коллежларида бу йўналишни тамомлаган мутахассислар 4327 нафарни ташкил этган. Бу 2002 йилдагига қараганда етти баробар кўпдир. Олий ўқув юртларида 2004 йили 5174 нафар битирувчи ушбу мутахассисликни эгаллаган.

Олий таълим тизимидаги олтита ўқув юрти АКТ бўйича мутахассислар тайёрловчи база этиб белгиланган. Булар — Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд Давлат университети, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Давлат педагогика университетларидир. Шу билан бирга, касб-ҳунар коллежлари орқали мутахассислар тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда компютерлаштириш ва АКТга ихтисослаштирилган 17та касб-ҳунар коллежи мавжуд. Шунингдек, бошқа ихтисосликларга қаратилган касб-ҳунар коллежларида ҳам АКТ йўналишига алоҳида аҳамият бериляпти.

### Айрим мулоҳазалар

Таълим тизимида компютерлаштириш ва АКТни жорий этишга давлат сиёсати даражасида қаралаётгани ўз самарасини бермоқда. Буни юқорида келтирилган маълумотлардан ҳам билиб олиш қийин эмас. Бироқ айрим йўналишларда оқсашлар ҳам кўзга ташланяпти. Яъни ўқув юртларида таълим сифатини оширишда Интернет имкониятларидан фойдаланиш паст даражада. Электрон дарсликлар ҳали етарли эмас. Таълим масканларининг ўз Web-сайтларини ташкил этиши ҳам суст давом этяпти. Ҳанузгача кўплаб мактабларимизда "Правец" ва "Агат" русумидаги ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида ишлаб чиқарилган компютерлардан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу компютерлар замонавий ахборот-коммуникация ва мултимедиа технологиялари талабларига умуман жавоб бермайди.

Бу йўналишдаги энг катта муаммо мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланмасликдир. Кўпгина таълим масканларида компютер синфлари маъмурият ходимларининг "шахсий хоналари"га ёки турли компютер ўйинлари ўтказиладиган хоналарга айланиб қолмоқда. Баъзи олий ўқув юртларининг компютер синфларига талабалар тўрт йил давомида деярли киришмайди. Ҳатто хона эшикларига "Кириш ман этилади", деган ёзувлар осиб қўйиладида, компютерларда "буюртма асосида"ги турли юмушлар бажарилади. Мактабларда эса компютер синфидан "самарали" фойдаланишнинг бошқача усули — пуллик компютер ўйинлари ташкил этиш анъанасини кузатиш мумкин. Натижада замонавий жиҳозланган синфлар мавжуд бўла туриб, таълим даргоҳларини компютернинг "к" ҳарфини билмасдан тугатаётганлар сони камаймаяпти.

Барча олий ўқув юртлари, ҳатто барча факултетларда компютер синфлари мавжуд ва мутахассислигидан қатъи назар информатика дарси ўтилади. Демак, ҳар бир талабага компютер билимини эгаллаши учун имконият яратилган. Лекин олий ўқув юртининг ҳамма битирувчилари ҳам ундан фойдаланишни билишадими? Афсуски, уларга бу саволни берсангиз, "ҳа" деган жавобни олишингиз амримаҳол. Биладиганлари ҳам одатда шахсий компютери борлари ёки компютер курсларини тугатиб чиққан талабалардир. Тўғри, АКТга йўналтирилган таълим масканлари битирувчилари ҳақида бундай фикрни билдира олмаймиз. Лекин қолганлар-чи? Бугун бирор соҳа қолмаганки, ахборот-коммуникация технологиялари кириб бормаган бўлса. Демакки, ҳар бир мутахассисдан ўз соҳасини мукаммал билишидан ташқари компютерда ишлаш кўникмасининг ҳам бўлиши талаб этилади. Бирор жойга ишга кирмоқчи бўлсангиз, аксарият ҳолларда "Компютерда ишлашни биласизми?", деган саволни беришади. Агарки, замонавий техникадан фойдаланишга кўникмангиз бўлса яхши. Бўлмаса, бошқа бундай савол тушмайдиган иш қидиришингизга ёки компютер курсида ўқиб чиқишингизга тўғри келади.

Хуллас, бу борада муаммоларимиз етарли. Қачонки, ўқув масканларидаги замонавий компютерлар билан жиҳозланган хоналар "кўргазма зали" ҳолида эмас, ёшларнинг тўлақонли билим олишлари учун йўналтирилсагина сарфланаётган миллионлаб сармоя зое кетмаган бўлади. Бунинг учун эса кўп нарса талаб этилмайди: таълим масканлари раҳбарларида ўз касбига садоқат, масъулият ва ёшлар келажагига эътибор бўлса бас...

***Лутфилло ТУРСУНОВ***

## ЭЪЛОН!

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил, 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом»нинг 49-бандига асосан, қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши 2005 йилнинг 15 апрелидан тўхтатилади:*

«MICROSTAR» хусусий фирмасига (Урганч ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга берилган АА серия 0000308 рақамли;

«ТЕХНИКА Ltd» масъулияти чекланган жамиятга (Қўқон ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга берилган РТ серия 0000220 рақамли;

«КЛАССИК» хусусий фирмасига (Фарғона ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга берилган РТ серия 0000110 рақамли;

«ТУРАН» ёшлар маркази «ЖАНА ТОЛКЫН» ёшлар радиостудиясига (Нукус ш.) радиодастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга берилган АА серия 0000556 рақамли;

«AVVAL-INVEST» масъулияти чекланган жамиятга (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга берилган АА серия 0000319 рақамли.

*Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил, 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом»нинг 45-бандига асосан қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши 2005 йилнинг 15 апрелидан 3 ой муддатга вақтинчалик тўхтатилади:*

«УзБАТ А.О.» қўшма корхонаси ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятига (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга берилган АА серия 0000018 рақамли;

«RANADI» масъулияти чекланган жамиятга (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга берилган АА серия 0000131 рақамли;

«Сайёр» хусусий фирмасига (Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли ш.) теледастурларни тарқатиш тармоқларида хизматлар кўрсатишга берилган АА серия 0000652 рақамли;

«Ходжейли СКТВ» хусусий фирмасига (Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли ш.) теледастурларни тарқатиш тармоқларида хизматлар кўрсатишга (кабелли телевидение) берилган АА серия 0000227 рақамли;

«TELEKOM-A» хусусий фирмасига (Термиз ш.) кўчма радиотелефон алоқа тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга берилган АА серия 0000056 рақамли.

Лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингани тўғрисида хабарнома юборилган (тақдим қилинган) вақтдан бошлаб уч ой давомида лицензиат томонидан лицензиарга лицензия бериш учун давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмагани, шунингдек, лицензия шартномалари имзоланмагани муносабати билан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил, 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация соҳасида фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг» 23-бандига мувофиқ «VATAN-BOBURSHOH» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатишга АА серия 0000778 рақамли лицензияси бекор қилинади.

*Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил, 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом»нинг 48-бандига асосан қуйидаги лицензияларнинг амал қилиниши қайта тикланади:*

2005 йилнинг 1 апрелидан:

«MARS COMPUTER SERVICE» масъулияти чекланган жамиятга (Шаҳрисабз ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга берилган АА серия 0000203 рақамли;

«PROFESSIONAL BUSINESS SECURITY AND BODYGUARD SERVICES» масъулияти чекланган жамиятга (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга берилган АА серия 0000530 рақамли;

2005 йилнинг 22 апрелидан:

«ISTIQLOL-TV» масъулияти чекланган жамиятга (Бухоро ш.) теледастурларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга берилган АА серия 0000531 рақамли;

«INFORM SERVIS-TV» масъулияти чекланган жамиятга (Тошкент ш.) теледастурларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга (кабелли телевидение) берилган АА серия 0000201 рақамли;

«LEL» ишлаб чиқариш тижорат кооперативига (Тошкент ш.) теледастурларни тарқатиш тармоқларини қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатишга (кабелли телевидение) берилган АА серия 0000377 рақамли.

## “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимизнинг барча алоқа ходимларини республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг*

***ярим асрлик юбилейи,***

*Тошкент ахборот технологиялари университетининг*

***50 йиллик тўйи***

*ҳамда Тошкент телеминорасининг*

***20 йиллиги***

*муносабати билан қутлайди.*



*Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, фаолиятингизда ривожлар тилаймиз.*

**Жонажон Ўзбекистонимизда доим тинчлик ҳукм сурсин!**

## ФАН-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг **ярим асрлик тўйи** ҳамда Тошкент телеминорасининг **20 йиллиги,** Тошкент ахборот технологиялари университетининг **50 йиллиги** муносабати билан барча алоқа ходимларини қизғин табриклайди.

**Соҳа тараққиёти йўлидаги ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.**



**Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!**

## ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Барча алоқачиларни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг

**ярим асрлик юбилейи**

билан самимий муборакбод этади.



*Сизларга бахт-саодат, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.*

**Юртимиз янада гуллаб-яшнайверсин!**

## “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ФАРҒОНА ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг **ярим асрлик юбилейи** ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг **50 йиллиги** муносабати билан соҳа ходимларига табрик йўллайди.

*Юртимиз фаровонлиги йўлида қилаётган ишларингизда сизга зафарлар ёр бўлсин!*

***Хонадонингизни ҳеч қачон бахт ва қувонч тарк этмасин!***



# СООБЩЕНИЕ

## Вниманию акционеров ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA"

Сведение о существенном факте финансово-хозяйственной деятельности ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA":

Наступление даты закрытия реестра акционеров.

Порядковый номер сообщения – **07**.

Дата принятия эмитентом решения о дате, на которую составляется список владельцев ценных бумаг – **25 апреля 2005 г. на заседании Наблюдательного совета.**

Дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг - **25 апреля 2005 г.**

Годовое общее собрание акционеров ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" состоится 26 мая 2005 года в 15-00 час по адресу: г.Ташкент, ул А. Темура, 24 (7 этаж).

**Повестка дня собрания:**

**1. Утверждение отчета исполнительного органа о результатах финансово-хозяйственной деятельности ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 год;**

**2. Утверждение заключения аудиторской организации по итогам проверки финансовой отчетности ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 год;**

**3. Утверждение заключения Ревизионной комиссии по итогам проверки финансово-хозяйственной деятельности ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 год;**

**4. Утверждение годового бухгалтерского баланса, финансовой отчетности ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 год;**

**5. Утверждение распределения чистой прибыли ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 г., порядка и сроков выплаты годовых дивидендов;**

**6. Утверждение отчета Наблюдательного совета ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" о проделанной работе за 2004 год;**

**7. Выборы кандидатов в состав Наблюдательного совета ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" на 2005 год;**

**8. Избрание исполнительного органа ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" на 2005 год;**

**9. Принятие решения об определении аудиторской организации на 2005 год и предельном размере оплаты ее услуг;**

**10. Утверждение бизнес-плана ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" на 2005 год;**

**11. Утверждение изменений к Уставу ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA";**

**12. Утверждение изменений к «Положению об Общем собрании акционеров ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA";**

**13. Утверждение изменений к «Положению о Наблюдательном совете ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA";**

**14. Утверждение изменений к «Положению об исполнительном органе ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA";**

**15. Об упразднении «Положения о государственном поверенном ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA".**

*Список акционеров, имеющих право на участие и голосование на очередном годовом общем собрании акционеров ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA", составлен по состоянию на 25 апреля 2005 года.*

*Регистрация акционеров проводится с 13-30 до 15-00 час.; акционерам иметь при себе сертификат и паспорт, а представителям акционеров – сертификат, доверенность и паспорт.*

***По вопросам организации и проведения общего собрания акционеров, а также ознакомления со всеми материалами, подлежащими предоставлению акционерам при подготовке собрания, обращаться по адресу: г. Ташкент, ул А. Темура, 24 (7-этаж). Тел. 136-37-73, 144-29-70.***

## Годовой отчет о финансово-хозяйственной деятельности ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 год

### 1.Общие сведения

| | |
|---|---|
| Наименование | ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" |
| Почтовый адрес | 700035, г. Ташкент, ул. А. Темура, 24. |
| Телефон | 136-37-73, 144-29-70 |
| Руководитель | И. И. Исроилов |
| Наименование реестродержателя | НД «Вакт» |
| Депозитарий | НД «Вакт», «TAT-REESTOR» |
| Аудитор | «AUDIT STANDART» Лицензия Минфина №00089 от 20.06.2001г. |

### 2. Отчет руководителя

| | |
|---|---|
| Отчет руководителя эмитента о финансово-хозяйственной деятельности за отчетный год | За отчетный период акционерным обществом зарегистрированы в уполномоченных органах РУз импортные контракты с инофирмами на сумму 4 763,16 тыс $; импортировано оборудования, з/ч и оказано услуг на сумму 54 463,14 тыс $, оказаны экспортные услуги на сумму 29,20 тыс $. В 2004 г. произведена оплата за поставленное оборудование, оказанные услуги на сумму 16 254,81 тыс $. Дебиторская задолженность – 44 677,0 тыс сум, просрочененой нет, кредиторская задолженость – 5 963,0 тыс $, просроченной нет. Показатель чистой прибыли по итогам 2004 г. составил 31 592,0 тыс сум. |

3. Сведения об изменениях в персональном составе должностных лиц

| Действующий состав должностных лиц | |
|---|---|
| Должность | ФИО должностного лица |
| 1. Председатель Наблюдательного совета | Жучков А. И. |
| 2. Член Наблюдательного совета | Агзамова Р. С. |
| 3. Генеральный директор | Исроилов И. И. |
| Изменение в составе должностных лиц | |
| 4. Государственный поверенный, член Наблюдательного совета (по должности) | Аскаров Р. А. (госповеренный) назначен решением комиссии по мониторингу за эффективным использованием гос. доли акций в акционерных объединениях и компаниях от 28.01.2005 г. №02-5-11, договор с Госкомимуществом РУз от 14.02.2005 г. |

4. Дополнительный выпуск ценных бумаг не производился

5. Бухгалтерский баланс

| Наименование показателей | №стр | За отчетный период | | Наименование показателей | №стр | За отчетный период | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Актив | | 2003 год | 2004 год | Пассив | | 2003 год | 2004 год |
| I. Долгосрочные активы | | | | I. Источники собственных средств | | | |
| Основные средства | 012 | 26 087,0 | 17 133,0 | Уставный капитал | 410 | 29 354 | 29 354 |
| Нематериальные активы | 022 | 8 717,0 | 8 957,0 | Добавленный капитал | 420 | 230 | 230 |
| Долгосрочные инвестиции | 030 | 9 729,0 | 9 829,0 | Резервный капитал | 430 | 20 245,0 | 35 425,0 |
| Итого долгосрочных активов | 130 | *44 533,0* | *35 919,0* | Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток) | 450 | 62 569,0 | 59 866,0 |
| II Оборотные активы в том числе: | | | | Целевые поступления | 460 | 487 893,0 | 2 515 670,0 |
| Товарно-материальные запасы | 140 | 521,0 | 1 008,0 | Итого собственных средств | 480 | *600 291,0* | *2 640 545,0* |
| Дебиторы | 210 | 12 178,0 | 44 677,0 | | | | |
| Доходы будущих периодов | 190 | 731,0 | 536,0 | II. Обязательства | | | |
| Денежные средства | 320 | 487 269,0 | 1 098 864,0 | Долгосрочные обязательства | 490 | - | - |
| Краткосрочные инвестиции | 370 | 152 455,0 | 1 465 504,0 | Текущие обязательства | 600 | 97 396,0 | 5 963,0 |
| Итого оборотных активов | 390 | *653 154,0* | *2 610 589,0* | Итого обязательств (410+540) | 770 | *97 396,0* | *5 963,0* |
| Всего по активу баланса (130+390) | 320 | *697 687,0* | *2 646 508,0* | Всего по пассиву баланса (400+550) | 780 | *697 687,0* | *2 646 508,0* |

6. Информация о финансовых результатах ЗАО (счета прибылей и убытков)

| Показатель | Доходы | Расходы |
|---|---|---|
| 1. Выручка от реализации продукции (услуг) /НДС | 166 501,0 | 27 628,0 |
| 2. Производственная себестоимость/административные расходы | | 91 723,0 |
| 3. Валовый финансовый результат от реализации/расходы по реализации | 138 142,0 | 597,0 |
| 4. Прочие операционные доходы/расходы от основной деятельности | 7 119,0 | 51 111,0 |
| 5. Финансовый результат (прибыль или убыток) от основной деятельности | 1 830,0 | |
| 6. Финансовый результат (прибыль или убыток) от общехозяйственной деятельности/налог на доходы (прибыль) | 49 018,0 | 14 679,0 |
| 7. Прочие налоги и отчисления, не входящие в вышеперечисленные статьи | | 2 747,0 |
| 8. Чистая прибыль (убыток) | 31 592,0 | |

7. Отчет аудитора о финансовом состоянии ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA"

| Наименование | |
|---|---|
| 1. Наименование аудиторской фирмы | «AUDIT STANDART», г. Ташкент, м-в Чиланзар, ул Чопонота, кв Ц. |
| 2. Номер и дача выдачи лицензии | Лицензия Минфина №00089 от 20.06.2001 г. |
| 3. Дата выдачи аудиторского заключения | 15.03.2005 г. |
| 4. Отчет аудитора | Аудиторская проверка проведена в соответствии с законом РУз «Об аудиторской деятельности» от 26.05.2000 г. и Национальными стандартами аудиторской деятельности. Аудиторская проверка заключается в оценке достоверности и соответствия финансовой отчетности и иной финансовой информации законодательству, а также фактическому состоянию финансово-хозяйственной деятельности. Финансовая отчетность хозяйствующего субъекта ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 год с учетом внесения изменений, данных аудиторской фирмой, достоверно отражает финансовое положение и совершенные данным хозяйствующим субъектом финансовые и хозяйственные операции соответствуют требованиям законодательства РУз. |

# Раҳбарлар масъулияти ошади

**Ўзбекистон** алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармасида бўлиб ўтган йиғилиш Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 22 апрел куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланди. Унда вилоятдаги алоқа соҳаси корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Кун тартибидаги масала бўйича ҳудудий бошқарма бошлиғи Йўлдошмурод Жўлиев маъруза қилди.

Йиғилишда алоқа соҳасидаги барча бўғин раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш сифат ва самарадорлигини изчил яхшилаб бориш юзасидан янги вазифалар белгилаб олинди.

***Олим ХЎЖАЕВ,***
***жамоатчи мухбиримиз***

# Отчет

## о результатах финансово-хозяйственной деятельности АК «Узбектелеком» за 2004 год

**Доходы от основной деятельности в 2004 году составили 106,2 млрд. сум превысив уровень прошлого года на 26,2 %. При этом темп роста электронных услуг телекоммуникаций и Интернета составил 117,4 %. Доходы на одного занятого в целом по Компании составили 5675,0 тыс. сум и выросли по сравнению с прошлым годом на 31,7%.**

**Наибольший удельный вес в общей сумме доходов 75,2% составляют доходы от предоставления услуг международной и междугородной связи.**

**В 2004 году филиалами и предприятиями Компании предоставлено 161,5 млн. междугородних и международных разговоров и передано 610,6 тыс. телеграмм. По сравнению с 2003 годом количество разговоров увеличилась на 5,3 %. Объем экспорта превысили плановые показатели на 12,7%.**

**Чистая прибыль в целом АК «Узбектелеком» составила 911340 тыс. сум, рентабельность по чистой прибыли 0,9 %.**

**Количество основных телефонных аппаратов на местных сетях по филиалам АК «Узбектелеком» выросло на 32,717 тысячи, что на 128,0 % выше запланированного. В отчетном году коэффициент использования монтированной емкости АТС увеличился с 87,7% до 88,4%, процент цифровизации - с 37,0 % до 38,5%.**

## Бухгалтерский баланс АК «Узбектелеком» за 2003-2004 г.

| Показатели | 2003 год | 2004 год |
|---|---|---|
| **АКТИВ** | | |
| **I. ДОЛГОСРОЧНЫЕ АКТИВЫ** | | |
| **Основные средства:** | 64 330 980,0 | 68 383 715,0 |
| **Нематериальные активы:** | 1 248 612,0 | 388 098,0 |
| Долгосрочные инвестиции | 2 601 040,0 | 6 949 698,0 |
| Капитальные вложения | 14 452 505,0 | 69 442 423,0 |
| **ИТОГО по разделу I** | **82 633 137,0** | **145 163 934,0** |
| | | |
| **II. ТЕКУЩИЕ АКТИВЫ** | | |
| **Тов.мат.запасы** | 3 779 172,0 | 3 891 859,0 |
| Расходы будущих периодов | 163 188 371,0 | 138 215 166,0 |
| Отсроченные расходы | - | 19 012 771,0 |
| Дебиторы всего | 12 196 476,0 | 16 169 965,0 |
| Денежные средства | 2 107 282,0 | 5 042 895,0 |
| Прочие текущие активы | 55 625,0 | 233 963,0 |
| **ИТОГО по разделу II** | **181 326 926,0** | **182 566 619,0** |
| **ВСЕГО по АКТИВУ БАЛАНСА** | **263 960 063,0** | **327 730 553,0** |
| | | |
| **ПАССИВ** | | |
| **I. ИСТОЧНИКИ СОБСТВЕННЫХ СРЕДСТВ** | | |
| Уставной капитал (8300) | 30 802 967,0 | 30 802 967,0 |
| Добавленный капитал (8400) | 558 108,0 | 2 626 272,0 |
| Резервный капитал (8500) | 38 343 702,0 | 44 252 070,0 |
| Нераспред.прибыль(непокрыт.убыток) (8700) | 3 078 998,0 | 574 504,0 |
| Прочие | 2 823 763,0 | 4 250 675,0 |
| **ИТОГО по разделу I** | **75 607 538,0** | **81 357 480,0** |
| | | |
| **II. ОБЯЗАТЕЛЬСТВА** | | |
| Долгосрочные обязательства всего | 182 611 991,0 | 237 859 332,0 |
| Текущие обязательства всего | 5 740 534,0 | 8 513 741,0 |
| **ИТОГО по разделу II** | **188 352 525,0** | **246 373 073,0** |
| **ВСЕГО по ПАССИВУ БАЛАНСА** | **263 960 063,0** | **327 730 553,0** |

SPORT, SPORT, SPORT

# Ҳалол курашсангиз, марра сизники!

***Термиз шаҳридаги "Алпомиш" ўйингоҳида ўтказилган Президент соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро хотира турнири ҳамда ўзбек ва белбоғли кураш бўйича фахрийлар ўртасида биринчи жаҳон чемпионати кураш мухлисларига ҳаяжонли онларни тақдим этди.***

**Биринчи бўлиб** фахрийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига старт берилди. Ғолиблик учун юртимизнинг тажрибали фахрий полвонлари билан биргаликда дунёнинг 30дан ортиқ давлатидан ташриф буюрган юзга яқин кураш устаси баҳс олиб борди. Уларнинг кўрсатган шижоати, матонати ва кураш техникалари барчани қойил қолдирди. Айниқса, юртдошимиз — 80 ёшли Тўра Тошматовнинг хатти-ҳаракатлари ёшларимиз учун намуна бўлди. Тўра полвон Нортожи полвон билан кечган финал баҳсида юзидан жиддий жароҳат олганлигига қарамай, учрашувни якунига етказди. Шифокорлар ёрдамидан сўнг гиламга қайтган отахон рақибини мағлубиятга учратди ва жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди.

Ўзбек кураши бўйича фахрийлар ўртасидаги биринчи жаҳон чемпионлари билан танишинг:

**36—45 ёшлилар**

*60 кг.1. Винсент Редлас (ЖАР)*
*70 кг.1. Махтумкули Маҳмудов (Ўзбекистон)*
*80 кг.1. Мелс Адизов (Ўзбекистон)*
*90 кг.1. Олимжон Ҳайитов (Ўзбекистон)*
*100 кг.1. Хусрав Далир (Эрон)*
*Мутлақ вазн.1. Муҳаммад Тошев (Ўзбекистон)*

**45—55 ёшлилар**

*70 кг.1. Акмурод Жепаров (Туркманистон)*
*75 кг.1. Бойқобул Назаров (Ўзбекистон)*
*80 кг. 1. Ҳусан Эшназаров (Ўзбекистон)*
*85 кг. 1. Хидео Камага (Япония)*
*Мутлақ вазн.1. Георгиос Андреодис (Греция)*

**50—60 ёшлилар**

*70 кг.1. Нурмуҳаммад Юсупов (Ўзбекистон)*
*80 кг.1. Франц Хугендайк (Голландия)*
*90 кг.1. Тўра Холиқов (Ўзбекистон)*
*95 кг.1. Сафар Қосимов (Ўзбекистон)*
*Мутлақ вазн.1. Ласло Тодт (Венгрия)*

**61—65 ёшлилар**

*60 кг.1. Омон Тоймуродов (Ўзбекистон)*
*65 кг.1. Турсун Йўлдошев (Ўзбекистон)*
*70 кг.1. Фатхулла Холиқов (Ўзбекистон)*
*75 кг.1. Худойберди Бобохонов (Ўзбекистон)*
*+ 75 кг.1. Наби Маҳмарасулов (Ўзбекистон)*

**Оқсоқол полвонлар**

*70 кг.1. Ҳақберди Норбоев (Ўзбекистон)*
*85 кг.1. Тўра Тошматов (Ўзбекистон).*

Белбоғли кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати баҳсларида ҳам мухлислар ажойиб беллашувлар гувоҳи бўлишди. Курашнинг ушбу тури бўйича ҳам жаҳон чемпионлиги асосан юртимиз полвонларига насиб этди. Уларга Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Россия ва Афғонистон курашчилари рақиб бўлишди.

Бош соврини 17 минг АҚШ доллари этиб белгиланган Ат-Термизий хотира турнири финалига кўпчилик томонидан тахмин қилинган курашчилар етиб келишди. Азалий рақиблар – бразилиялик Карлос Хонорато ва ҳамюртимиз Абдулла Тангриевлар бош соврин учун гиламга кўтарилишди. Бу сафар ҳам Абдулланинг қўли баланд келиб, учинчи бор Президент соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро хотира турнири ғолиби бўлди.

**Ғолиб ва совриндорлар:**

*1. Абдулла Тангриев (Ўзбекистон) – 17 000 АҚШ доллари*
*2. Карлос Хонорато (Бразилия) – 1500 АҚШ доллари*
*3. Ўткир Қурбонов (Ўзбекистон) – 750 АҚШ доллари*
*4. Бюнг Жин Канг (Жанубий Корея) – 750 АҚШ доллари*

## ҲАММАСИ КЕЙИНГИ УЧРАШУВДА ҲАЛ БЎЛАДИ

**Мазкур ҳафтада** барча футбол мухлисларининг нигоҳи Европа яшил майдонларига қаратилди. Сабаби клублар ўртасида қитъанинг энг нуфузли мусобақаси – Чемпионлар лигасининг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди.

**"Милан" - "Эйндховен" – 2:0**
**"Челси" – "Ливерпул" – 0:0**

Италиянинг "Милан" жамоаси ўз майдонида мусобақа кашфиёти – Голландиянинг "Эйндховен" клубини қабул қилди. Учрашувда Андрей Шевченко ва Йон Дал Томассонлар тўп киритиб, ҳисобнинг 2:0 бўлишини таъминлашди.

Ярим финалнинг иккинчи учрашувида ҳисоб очилмади. Англиянинг иккала жамоаси ҳам эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишди. "Челси" ўз майдонида ўйнаганлиги боис бироз ташаббусга эга бўлди. "Ливерпул" жамоаси эса қарши ҳужумга таяниб ҳаракат қилди. Ушбу жуфтлик ғолибини аниқлаш масаласи ҳам кейинги ўйинда ҳал этилади.

Жавоб учрашувлари 3-4 май кунлари бўлиб ўтади.

***Лутфилло ТУРСУНОВ***

## АЛОҚАЧИЛАР БАҲСИ

**Сиҳат-саломатлик** йили муносабати билан яқинда Гулистон шаҳрининг Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Агентлик тизимидаги корхоналар ўртасида жамоа учкураши ва мини-футбол бўйича мусобақаларнинг вилоят босқичи ўтказилди.

Қизиқарли ўтган баҳсларда яхши натижа қайд этган "Сирдарё Телеком" филиали жамоаси биринчи ўриндан жой олди. Иккинчи ўринни "Ўздунробита" вилоят филиали жамоаси, учинчи ўринни эса Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси жамоаси қўлга киритди.

Ғолибларга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғаларни ҳудудий бошқарма бошлиғи М.Бегматов топширди. Шунингдек, махсус таъсис этилган совринлар – "Энг яхши ташкилотчи" – 3-Шаҳарлараро алоқа корхонаси раҳбари А.Эгамқуловга, "Энг намунали ўйинчи" – "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиали ходими Э.Турдибоевга топширилди.

***Улуғбек ТАНИҚУЛОВ,***
***Сирдарё вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси***

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали жамоаси 4-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси Авариянинг олдини олиш гуруҳи етакчи муҳандиси

**Илҳом ЭРГАШЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали жамоаси филиалнинг пул ўтказмалари ҳамда пенсия, обуна тўловларини текшириш гуруҳи раиси Саноат Абдуллаевага отаси

**Абдулҳай ФОЗИЛОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Андижон Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари меҳнат фахрийси

**Набижон АКБАРОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

KUTILMAGAN MEHMON

*Кўпгина тингловчиларга яхши таниш бўлган, ширали овози билан мухлислар қалбидан жой олиб улгурган хонандалардан бири Зафарбек Қурбонбоев — Хоразм фарзанди.*

*Унинг «Дангинг йўқ», «Севги», «Им атдингиз», «Мандек», «Тафаккур» каби қатор қўшиқларини бугун барча севиб тингламоқда. Ўз йўли ва мухлисини топишга улгурган хонанданинг сизга маълум бўлмаган қирралари қуйидаги суҳбатимизда аён бўлади, деб ўйлаймиз.*



# Зафарбек ҚУРБОНБОЕВ: "Концерт – хонанда учун имтиҳон"

***— Хоразм қўшиқчилик мактаби вакиллари баҳор фасли бошланиши биланоқ концерт беришни бошлаб юборишди. Сизда ҳам яккахон концерт дастурини ўтказиш нияти борми, умуман, концерт санъаткорга нима беради?***

— Хоразмда ҳар йили яккахон концерт дастурларимни бераман. Яқин кунларда пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида илк яккахон концерт дастуримни ўтказиш ниятидаман.

Концерт санъаткорга нима беради, деб сўрадингиз. У — санъаткор учун имтиҳон. Ўз мухлисига берадиган ҳисоботи. «Мана менинг ижодим, менинг сизларга бўлган ҳурматим, санъатимни яхши кўриб, ижодим билан қизиқиб юрган тингловчи, менинг истеъдодим шунақа», деб бир бора имтиҳондан ўтиш.

Молиявий масалаларга келадиган бўлсак, концертлардан моддий манфаатдорлик кутилмайди. Ҳамма харажатлар хонанданинг ўз ёнидан кетади.

***— Йигирма ёшингиздаги орзу-ўйларингиз билан бугунгисининг орасида фарқ борми? Улғайганингиз сари дунёқарашингиз ўзгариб бордими?***

— Ў, анча катта ўзгаришлар бўлди. Энг асосийси, баъзан афсусланиб, «Э, ўша ишни қилганимда эди...", "Мана шу нарсани қилмабман», деган хаёлларга ҳам бораман. Сизга энг оддийсини айтайин. Ўзбекистон Давлат консерваториясини битиргач, Хоразмга қайтиб кетдим. «Сен пойтахтга кетишинг, ижодингни ўша ерда давом эттиришинг керак», дейишганида ҳали уни, ҳали буни сабаб қилиб, Тошкентга келишни кечиктирдим.

***— Ўша пайтда қийинчиликлардан қўрққанмисиз ёки бошқа сабаблар ҳам бўлганми?***

— Йўқ. Қийинчиликдан қўрқиш сизни доимо бирор ишни қилишдан тўхтатиб туриши рост. Лекин мен оилада катта фарзанд бўлганим учун ота-онамга кўмак беришим кераклигини ўйлаганман.

***— Фарзандлик бурчи ҳақида гапирдингиз. Устозларингиз ҳақида сўрамоқчи эдим.***

— Аввало, санъат йўлини танлашимга отам сабабчи бўлганлигини айтмоқчиман. У киши болалигимдаёқ мени мусиқа мактабида ўқитдилар. Гарчи у ерда қўшиқ айтиш сирларини ўрганмаган бўлсамда, пианинодан сабоқ олиб, мусиқани яхши ҳис қиладиган даражага етдим.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўқиб юрган пайтларимда эса менга Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев ва Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажоновлар устозлик қилишди.

Марҳум санъаткор Фаттоҳхон Мамадалиев билимдон, ақлли, бағрикенг инсон эдилар. Ҳамма нарсани эринмасдан тушунтирардилар, ўрганаётган қўшиғимизнинг тарихини сўзлаб берардилар. Мен у кишидан жуда кўп нарсаларни — Фарғона йўлида куйлашни, мақом ижро этишни, шунингдек, ўзбек миллий мусиқаси тарихини, овозни қандай асраш кераклигини, саҳнада ўзини тута билиш маданиятини ўргандим.

Айниқса, устозларим жонли овозда куйлаш санъаткорнинг янги-янги имкониятларини очади, уни элга янада севимли қилади, деб кўп такрорлашарди.

***— Шу ўринда бугунги кунда урфга айланиб қолган фонограммага муносабат билдириб ўтсангиз.***

— Хоразм тўйларида ярим соат, бир соат жонли овозда мумтоз қўшиқлар айтилади. Тошкентда эса, очиғини айтиш керак, фонограммадан фойдаланиш авж олиб кетган. Бу қўшиқчини ўстирмайди, балки унинг пасайишига олиб келади. Ўзимга келсак, ҳали бирор марта ҳам тўйларда фонограммадан фойдаланмаганман. Агар тўйда ҳам шу ишни қиладиган бўлсак, Хоразм санъатини ерга урган бўламиз. Воҳамиз — санъаткорлар юрти. Ана шу юртнинг фарзанди бўла туриб жонли овозда куйламасак, ўтиб кетган устоз санъаткорларимизнинг руҳи безовта бўлмайдими?..

***— Газетамизнинг асосий мухлислари алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари. Сизнинг ҳаётингизда алоқа воситаларининг ўрни қай даражада ва улар хизматидан фойдаланасизми?***

— Телефон ҳар бир кўши ҳаётининг бир бўлагига айланган. Телефон алоқасининг яхшилиги шундаки, дунёнинг у бурчагидаги қадрдонингиз билан ҳам худди қўшни хонада ўтириб суҳбатлашаётгандек гаплашиб, ҳол-аҳволини билиб олаверасиз. Авваллари почта хизматидан кўп фойдаланардик. Ҳозир ҳам республикамизнинг турли вилоятларида яшаётган мухлисларимдан хат-хабар олиб тураман. Лекин асосий ишларимиз телефон орқали битади. Мен Тошкент билан Хоразм орасида кўп қатнайман. Шундай пайтларда ота-онам, турмуш ўртоғим, қизларимнинг тинчлигини, соғу саломатлигини телефон орқали билиб тураман. Бир неча йиллардан буён «Юнител» компанияси мижозиман. Алоқа соҳаси шу даражада бизга яқинлашиб кетганки, баъзан аввалги одамлар телефонсиз қандай яшаган экан, дея ўйлаб қоламан.

Соҳа ходимларининг барчасига омонлик тилайман. Уларнинг уйи ва кўнгли доимо тинч бўлсин. Тўйлар қилишсин, биз ана шундай яхши кунларда хизматда бўлайлик.

***Шарифа МАДРАҲИМОВА* суҳбатлашди**

MASHHURLAR HAYOTIDAN

## ШАХМАТ ЎЙНАБ ТУРИНГ...

**Марк Твеннинг рафиқаси эрининг чапани "фазилати"ни йўқотиш мақсадида ҳар бир сўкишдан сўнг оғзига майда тошча солиб олишни маслаҳат берди. Бир куни ёзувчи уйига оғзи тўла тош билан келди. Остонада учраган хотинига ғўлдираган овозда деди:**

**— Қолганини юк машинада олиб келишади!**

***

*Бернард Шоу овқат маҳали ижро этиладиган мусиқани ёқтирмасди. Бир куни зиёфат авжида у дирижёрга мурожаат қилди:*

*— Марҳамат қилиб, мен илтимос қилган нарсани ўйнасангиз!*

*— Бош устига, жаноб! — деди илтифотдан яйраб кетган дирижёр.*

*— Ундай бўлса, мен тушлик қилиб бўлгунимча бир қўл шахмат ўйнаб туринг!*

***

**Суқротни қатл қилиш учун олиб кетаётганларини кўрган бир аёл йиғлаб юборди:**

**— Бу қандай бедодлик! Ҳеч қанақа гуноҳинг йўққу, нега сени қатл қилишмоқчи?**

**Суқрот жавоб берди:**

**— Э, нодон аёл, наҳотки, сен менинг жиноят қилиб, шу жиноятга яраша қатл этилишимни истасанг?!**

***

*Меҳмонхонадан чиқаркан Чарли Чаплин ресторан оғаси чўнтагига чойпули деб 20 франк солиб қўйди.*

*Эшик оға хафа бўлиб, артистга деди:*

*— Ўтган сафар менга 40 франк бериб, соғлиғим учун ичсангиз деган эдингиз...*

*— Бугун мен ўзимни анча яхши ҳис этяпман, — деб жавоб берди артист.*

***

**Алберт Эйнштейн Чарли Чаплиннинг филмларини яхши кўрар, бу актёрга ҳурмати зўр эди. Бир куни у Чаплинга хат ёзди:**

**"Сизга қойилман. "Олтин васвасаси" деган филмингизни дунёдаги ҳамма кишилар тушунади, сиз келажакда буюк одам бўласиз. Эйнштейн".**

**Ҳадемай жавоб келди:**

**"Мен эса сизга минг марта қойил қоламан. Сизнинг нисбийлик назариянгизни жаҳонда камдан-кам киши тушунади, лекин барибир сиз улуғ одамсиз. Чаплин".**

## Табриклаймиз!

*"Сирдарё Телеком" филиали ва Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиалнинг электралоқа бўлими бошлиғи Эркинбой ТУРДИБОЕВ ҳамда бош ҳисобчиси Самад СОДИҚОВни таваллуд топган кунлари билан чин қалбдан муборакбод этадилар. Уларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, шодлик, омад ва зафарлар тилайдилар.*

*"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали Бағдод почта алоқа тармоғи жамоаси тармоқ бошлиғи Расулжон ҚАМБАРОВни таваллуд топган куни билан чин қалбдан табриклайди. Унга бахт-саодат, соғлиқ ва келгуси ишларида муваффақиятлар тилаб қолади.*



ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ҲИКМАТЛАРИ

## ИККИ ХОТИНЛИ ЭРКАК

**Ўрта яшар,** соч-соқолига оқ оралаган эркакнинг икки хотини бор эди. Хотинларидан бири — ўрта яшар ва бири — ёш. Ўрта яшар хотин эрининг ўзидан ёш кўринишини истамасди. Эри унинг олдига борганида, у кўпинча ҳафсала билан эрининг соқолидаги қора толаларни юлиб ташларди.

Ёш хотинининг бошқа орзуси бор эди: хўжайинини ёшартириш учун у эри соқолидаги оқ тукларни юлиб оларди. Бу воқеадан кейин анча вақт ўтгач, бечора эркакнинг юзида бир тола ҳам тук қолмади ва у кўса бўлиб қолди.

## СУТ СОТУВЧИ ҚИЗ

**Бир қиз** сут тўла пақирни бошига қўйиб, қишлоқдан бозорга олиб бораётганди. Озроқ йўл юргач қиз хаёлга берилди: "Сутдан келган даромаддан ҳеч бўлмаса уч юз дона тухум оламан. Шу уч юз дона тухумдан ҳеч бўлмаганда 150та жўжа чиқади. Жўжаларим товуқ бўлгач, нарху наво ҳам қимматлашади. Мен товуқларни пуллаб, ўзим учун қимматбаҳо кийим тиктираман. Ийд байрами куни янги либосимни кийиб қишлоқ ёшлари йиғиладиган жойга бораман. Уларнинг ҳар бири менга яқинлашиб қўлимни сўрайди. Мен уларнинг таклифларини рад қилиб, нозу карашма билан бошимни мана шундай қимирлатиб қўяман..."

Шу пайт пақир қиз бошидан тушиб сут ерга тўкилди ва унинг ширин орзу-хаёллари бир лаҳзада саробга айланди.

***Тожикчадан* Мирали БЕРДИЕВ таржимаси**

МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — ⓣ.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Манзилимиз: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

358-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 7615 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БЎРИЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.